БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 57 (4455)
11 МАРТ 1981 й
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1980 йилда рекорд миқдорда — 6 миллион 237 минг тонна пахта етиштириб, давлатга сотиш соҳасида эришган катта муваффақиятлари ҳамда умуман пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўнинчи беш йиллик планларини ошириб бажарганлиги учун мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Ашуров Эргаш — колхозлардаги қурилиш бўйича Ўзбекистон ССР давлат кооператив бирлашмасининг раиси.

Ғафуржонов Эргашбой — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Есин Василий Павлович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари.

Короткий Владимир Александрович — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» раисининг биринчи ўринбосари.

Пискунов Борис Анатольевич — Ўзбекистон ССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдушукуров Тельман Рустамович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири.

Алламуродов Бўри — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Афанасьев Леонид Григорьевич — «Главсредазирсовхозстрой» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Афонин Дмитрий Ильич — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари.

Бритов Владимир Васильевич — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармаси бошлиғи.

Бутиков Леонид Павлович — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги «Узглавзаготживпром» бошлиғи.

Лапушнер Самуил Моисеевич — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» Бош бошқармаси бошлиғи.

Муртазоев Аблязиз — Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлиги Давлат инспекцияси бошлиғи.

Николаев Юрий Васильевич — «Узколхозстрой» бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари.

Ҳожиматов Ҳақиқат Муҳиддинович — «Узплодоовощчвинпром» бирлашмаси раисининг ўринбосари.

Ҳайдарова Гавҳар Қодировна — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари.

Хон Владимир Степанович — Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

Цамутали Александр Сергеевич — В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академияси Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси ўринбосари.

Йўлдошев Яҳё Ҳамроевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги республика информацион агентлиги бош редакциясининг бош редактори.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Маҳмуджон — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

Омонов Фармон — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

Аҳмедов Қудратилла Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Госплани раиси.

Буреш Милослав Ярославович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретарининг ёрдамчиси.

Жалилов Ҳаким — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари.

(Давоми 3-бетда).

Тежамкорлик — яхши хислат

ХОМ АШЁ РЕСУРСЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети «Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик, «Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмалари коллективларининг қўшимча хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларни тежаш бўйича ошириллан социалистик мажбуриятлар қабул қилиш ташаббуслари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети шуни мамнуният билан таъкидлайдики, «Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик, «Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаларининг партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми қарорларини оғишмай бажара бориб, хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан унумли фойдаланиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 1981 йилда электр энергиясини тежаш бўйича белгиланган лимитдан ташқари 90 минг киловатт-соат электр энергиясини, нормативдагига нисбатан 90 гигакалорий иссиқлик энергиясини ва 12 минг квадрат метр газламани тежаб қолишга аҳд қилди. Тежалган газламадан қўшимча 3 мингта костюм тикилади.

«Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари ҳам хом ашё ва энергетика ресурсларини сарф этиш нормасини қисқартириш, улардан фойдаланишда назоратни кучайтириш эвазига 270 минг киловатт-соат электр энергиясини, 6550 гигакалорий иссиқлик энергиясини, 125 минг сўмлик бўлган 100 тонна материал-хом ашё ресурсларини тежаб қоладилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети «Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларининг 1981 йилда хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини янада тежаш бўйича ошириллан социалистик мажбуриятлар қабул қилиш борасидаги ташаббусларини маъқуллади.

Район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига юқоридаги корхоналар коллективларининг бу қимматли ташаббусини кенг ёйишга қаратилган ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ва тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилди. Ҳар бир корхонада, ҳар бир иш жойида хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини қўшимча тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилсин.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияларига юқоридаги корхоналарнинг 1981 йил учун иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатини янада кучайтириш юзасидан ошириллан социалистик мажбуриятлар қабул қилиш ташаббуси шаҳар саноати корхоналари коллективларида қандай қўллаб-қувватланаётганлигини мунтазам ёритиш тавсия этилди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 120 нафар илғор ишчиси ўн биринчи беш йиллик биринчи йили дастлабки квартали планини муддатидан илгари адо этди. Бирлашманинг кўпминг кишилик коллективи эса съезд ўз ишини олиб бораётган кунларда икки ойлик топшириқни бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

СУРАТДА: корхонанинг илғор йигирувчилари (чапдан ўнгга) Разно Муҳамедова, Шоира Ҳолмуҳамедова, Машкура Қодирова, Васила Мирпўлатова, Гулбаҳор Раҳматуллаева ва Мамлакат Муҳаматиллаева. Улар Сифат белгили маҳсулотларни ишлаб чиқаришмоқда.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида ВКП делегациясига бошчилик қилган ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан билан 10 март куни Кремлда дўстона учрашди.

Ўртоқ Ле Зуан ўртоқ Л. И. Брежневни янз КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайланганлиги билан ВСР коммунистлари, бутун халқи номидан қизғин ва самимий табриклади.

Л. И. Брежнев табриклар ва эзгу истаклар учун ташаккур билдириб, совет кишилари қаҳрамон Вьетнам халқининг ишлари ва фикр-ўйларини қалбларига жо қилаётганликларини таъкидлади.

Учрашув чоғида Совет-Вьетнам ҳамкорлигининг келгусидаги вазифалари, шу жумладан экономика соҳасидаги вазифалари юзасидан фикрлашиб олинди.

● 10 март куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов алоҳида ўрнак кўрсатган колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, мелиорация ташкилотларининг, «Госкомсельхозтехника» корхоналарининг мутахассислари, олимлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари ходимларидан катта бир группасига тантанали вазиятда СССРнинг орден ва медалларини топширди. Бу ўртоқлар 1980 йилда рекорд миқдорда — 6 миллион 237 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида эришган муваффақиятлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўнинчи беш йиллик планларини ошириб бажарганликлари учун шундай юксак мукофотларга сазовор бўлишган эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

СУСТКАШЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов раислигида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказиш бўйича шаҳар штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Фрунзе районида икки ойлик бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахборот тингланди.

Райондаги бир қанча коллективлар ўзларига биркитилган участкаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини намунали олиб боришяпти, шанба ва якшанба кунлари ҳашар уюштирилмоқда. Пластмасса буюмлари ва маиший химия заводи меҳнаткашлари, 4-нсч заводи, Фрунзе савдо маркази, абразив комбинати ишчилари икки ойлик бошлангандан буён талайгина ишларни бажаришди.

Лекин ҳали ҳам бир ласидан. Бу ерларда қанча корхона, ташкилот ва ўқув юртлари ўзларига биркитилган участкаларда ободонлаштириш ишларини амалга оширишмаётир. Қурилиш материаллари комбинати, ҳисоб-кредит техникуми, район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли 28-магазинда, «Ташкентпиво» бирлашмасининг 4-филиали шулар жумладдий санитария нормаларига ҳам эътибор берилмаётир.

Тўқимачилик институтида ҳам икки ойликка яхши тайёргарлик кўрилмаган. Санитария милицияси ҳизматчилари томонидан ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, институтнинг ўқув бўлими территорияси ондасонда чиқиндилардан тозаланади, институт ҳовлисида қурилиш ва ҳар хил чиқиндилар уюлиб ётибди. Ирригация шахобчалари тозаланмаган, чиқиндилар тўпланадиган контейнерлар ўз вактида олиб кетилмаётир. Баъзи бинолар эса ремонтга мухтож.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтаётган айни кунларда бундай ҳолларга тезда барҳам бериш керак. Икки ойлик бўйича район штаби корхона, ташкилот, ўқув юртлари устидан назоратни кучайтириши, барча коллективларнинг икки ойликда актив иштирок этишларини уюштириши зарур.

Штаб йиғилишида Тошкент шаҳри мактабларида икки ойлик қандай ўтаётганлиги масаласи ҳам кўрилди.

Штаб йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди.

18 АПРЕЛЬ — ЛЕНИНЧА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

БУЮК ПОЧИНГА САДОҚАТ

В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишлаб 18 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини ўтказиш тўғрисида москваликлар бошлаган ташаббусни Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи электроаппарат цехида 9 март куни ўтказилган митингга корхонанинг юзлаб ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари келишди. Тепловоз йиғиш цехининг илғор слесари Турсун Солиҳов минбарга чиқади.

— Шу кунларда, — деди у, — совет кишилари мислсиз ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. КПСС XXVI съезди қарорлари билан танишган ҳар биримизнинг куч-ғайратимиз жўш уриб кетди. Биз партия ишига, коммунизм идеалларига содиқлигимизни ленинча шанбалик куни намойиш этамиз. Мен ишлаётган бригада ана шу куни энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, қўшимча 50 тонна металл, 450 минг киловатт-соат электр-энергияси, 2500 гигакалорий иссиқлик энергияси, 1000 тонна шартли ёқилғи тежаб қолишга аҳд қилди. Тежаб қолинган электр энергияси ҳисобига 1981 йилда етти иш куни ишлаб берилади.

Ёқилғи-энергетика ва материал ресурсларини янада тежаш мақсадида ички резервлардан унумли фойдаланиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 1981 йилда электр энергиясини тежаш бўйича белгиланган лимитдан ташқари 90 минг киловатт-соат электр энергиясини, нормативдагига нисбатан 90 гигакалорий иссиқлик энергиясини ва 12 минг квадрат метр газламани тежаб қолишга аҳд қилди. Тежалган газламадан қўшимча 3 мингта костюм тикилади.

«Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари ҳам хом ашё ва энергетика ресурсларини сарф этиш нормасини қисқартириш, улардан фойдаланишда назоратни кучайтириш эвазига 270 минг киловатт-соат электр энергиясини, 6550 гигакалорий иссиқлик энергиясини, 125 минг сўмлик бўлган 100 тонна материал-хом ашё ресурсларини тежаб қоладилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети «Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларининг 1981 йилда хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини янада тежаш бўйича ошириллан социалистик мажбуриятлар қабул қилиш борасидаги ташаббусларини маъқуллади.

Район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига юқоридаги корхоналар коллективларининг бу қимматли ташаббусини кенг ёйишга қаратилган ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ва тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилди. Ҳар бир корхонада, ҳар бир иш жойида хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини қўшимча тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилсин.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияларига юқоридаги корхоналарнинг 1981 йил учун иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатини янада кучайтириш юзасидан ошириллан социалистик мажбуриятлар қабул қилиш ташаббуси шаҳар саноати корхоналари коллективларида қандай қўллаб-қувватланаётганлигини мунтазам ёритиш тавсия этилди.

ва ишлаб топилган маблағларнинг ҳаммасини ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказиш мажбуриятини қабул қилди. Биз тепловоз ремонтчиларининг ҳаммасини Ватанимиз пойтахти илғор корхоналари меҳнаткашларининг ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Митингда сўзга чиққан кишилар заводнинг барча ходимларини «Қизил шанбалик» кунини рекорд даражадаги унумдорлик билан, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан нишонлашга даъват этдилар. 18 апрель куни бир тепловоз секциясини, битта дизелни ремонтдан чиқаришга, 65 минг сўмлик ҳар хил маҳсулот тайёрлашга қарор қилинди. Кўпгина бригадалар шу куни тежаб қолинган материаллар ва электр энергияси ҳисобига ишлаш мажбуриятини олди. Корхонани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга доир ишларнинг катта ҳажмини бажариш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг митингида коммунистик меҳнат зарбдори, тикувчи-моторист Лола Турдиева сўз олади:

— Цехимиз меҳнаткашлари, — деди у, — якдиллик билан ленинча шанбаликка чиқадилар. Биз шу куни эркаклар учун аъло сифатли 700 та костюмни тикиб тайёрлаш мажбуриятини олдик.

Тикувчи-моторист Лидия Сулейманова, инженер Ирина Хабарова ва сўзга чиққан бошқа кишилар тикувчилар жонажон партия режаларини бажаришга зарбдор меҳнат билан муносиб ҳисса қўшишга чақирдилар.

Москвликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинглар Тошкентнинг бошқа корхоналарида ҳам бўлиб ўтди. Ана шу митинглар сўзга чиққан кўпгина меҳнаткашлар КПСС XXVI съезди қарорларига жавобан зарбдорларча меҳнат қилишга, шанбалик куни нормани икки баравар ошириб бажаришга, тежаб қолинган материаллар ҳисобига ишлаша ваъда бердилар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Пойтахтимизда ишлаб чиқарилган корхона ва ташкилотлар сингари Тошкент экскаватор заводи ишчилари ҳам партия XXVI съезди қарорлари билан ҳамнафас меҳнат қилмоқдалар. Заводда социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган бўлиб, ушбу мусобақа «Съезд қарорларини муддатидан илгари бажарамиз!» умумий шиори остида ташкил этилгандир.

Завод мамлакатимиздаги шаҳар ва областлардан ташқари кўпгина хорижий мамлакатларни ҳам ўз маҳсулоти билан мунтазам таъминлаб туради.

БУГУН

завод «Г—304—Г» маркадаги экскаваторлардан 25 донасини Польша Халқ Республикасига жўнатишга тахт қилиб қўйди. Квартал охиригача завод Чехословакия, Франция сингари буюртмачиларига ҳам мазкур маркадаги экскаваторлардан 50 дона юборади.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

ЯНГИ КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ

Тошкент Автомобиль йўллари институти студентлари шу кунларда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди қарорлари билан чуқур танишиб бормоқдалар. Мамлакатимиз бўйлаб қизғин ва якдиллик билан кутиб олинаётган СССРни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари институт студентларини ҳам илм чўққиларини юксакроқ забт этишга янада илҳомлантирмоқда.

Олий ўқув юртида аъло ўқиш билан бирга студентларнинг илмий ташаббускорликларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу пайтгача бу ерда биргина студентлар конструкторлик лойиҳа бюроси фаолият кўрсатар эди.

БУГУН

ана шу ижодий тўгарак сони яна биттага кўпайтирилди. Съезд қарорлари муносабати билан ташкил этилган ушбу бюро «Дорожник» деб номланди. Янги конструкторлик бюроси олий ўқув юртининг 150 дан ортиқ студентини ҳамда шаҳар мактабларининг 30 га яқин ўқувчисини ўз ичига олади. Унга институт доценти В. Акопов илмий раҳбарлик қилмоқда.

— Янги бюронинг очилиши, — дейди институт комсомол комитети секретари Р. Абдуллаев, — студентларнинг илмий тафаккури доирасини кенгайтиришга ҳамда уларнинг ўз касблари бўйича халқ хўжалигида чуқур малака ҳосил қилишларига иқтидор ёрдам беради.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
Янги Олмазор микрорайони қурилишида.
М. Нуриддинов фотоси.

ИЛМИЙ-АХБОРОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Киров район партия комитетида КПСС XXVI съезди материалларини ўрганиш ва пропаганда қилишга бағишлаб, илмий-ахборот конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари **М. Ф. Солдатов** ҳозирги вақтда партия активи ва идеология кадрларининг вазифалари ҳақида доклад қилди. Ўзбекистон ССР Госплани иқтисодий тадқиқотлар институти директорининг фан бўйича ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати **В. С. Ким** тўпланганларга «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида баён этилган кенг программа тўғрисида гапириб берди. Конференция ишида қатнашган бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва уларнинг ўринбосарлари, идеология активи съезд ҳужжатларини ўрганиш бўйича тавсиялар, «Киров райони ўн биринчи беш йиллиқда» материаллар тўплами билан танишдилар.

Т. СОБИТОВ,
Киров район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

ДЕЛЕГАТ БИЛАН УЧРАШУВ

Ҳамза районининг корхона ва муассасаларида КПСС XXVI съезди делегатлари билан қизғин учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Яқинда район партия комитетида КПСС XXVI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Виктор Николаевич Сивец билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмиддинов очди. В. Н. Сивец тўпланганларга мамлакатимиз коммунистларга анжуманидан олган ўзининг бой таассуротларини мароқ билан ҳикоя қилиб берди.

С. САИДҲОСИЛОВ.

телетайп лентасидан

● **ВЬЕНТЯН.** Лаоснинг Чампассак вилояти қишлоқ меҳнаткашлари шоли топшириш мажбуриятини биринчиларидан бўлиб бажардилар. Улар давлат хирмонларига 11 минг тоннадан зиёд шоли тўқдилар, кўплаб миқдорда мева ва сабзавот етиштирдилар.

«Сиенг пасасон» газетаси йиғим-терим кампаниясини якунлаб, Лаос деҳқонлари донли экинларнинг давлат фондини тузиш ишини тўшуниб, масъулият билан қараганликларини таъкидлади.

● БОННН. ГФРда НАТОнинг ракета-ядро планларини амалга оширишга йўл қўймаслик учун жамоатчиликка қаратилган мурожаатномага имзо тўплаш муваффақиятли ўтмоқда. ГФР гражданларидан 150.000 дан кўп киши баёнотга имзо чекди. Булар орасида бундестаг депутатлари, сиёсий партиялар, ёшлар, студентлар, хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари, касаба союз активистлари, фан ва маданият арбоблари, руҳонийлар бор.

● **БУЭНОС-АЙРЕС.** Аргентинада 10 мартдан бошланган янги ўқув йили юз минглаб аргентиналик меҳнаткашлар олдига жиддий молиявий проблемаларни қўймоқда. Айниқса, кўп болали оилаларнинг аҳволи ниҳоятда оғир. Пойтахтда чиқадиган «Расон» газетаси шу ҳақда ёзади.

Ўқувчилар формаларининг, канцелярия товарларни ва бошқа мактаб қуролларининг нархи ўтган йилдагига нисбатан 40 процент қимматлашди, деб уқтиради газета.

● ДЕҲЛИ. Муродобод шаҳридаги деҳқонлар ва батракларнинг «Ер ислоҳоти амалда рўёбга чиқарилсин!», «Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражаси оширилсин!», «Хорижонларга зўравонлик қилишга чек қўйилсин!» шиорлари остида оммавий намойиш бўлиб ўтди. Намойишда Уттар-Прадеш штатидаги Ҳиндистон Коммунистик партиясининг ташаббуси билан ўтказилди.

● **ТОКИО.** Японияннинг деҳқончилик, ўрмончилик ва балиқчилик министрлигининг 18 минг хизматчиси забастовкаларда қатнашганлиги учун ишдан бўшатиб юборилди ёки бошқа жазо чоралари кўрилди. Улар ҳукуматдан 1988 йилда министрлик ва унга қарашли муассаса ва корхона идораларининг 22 минг ходими ишдан бўшатилиши тўғрисидаги планига муволиқ оммавий равишда ишдан бўшатиш режаларидан воз кечишни талаб қилдилар.

● АДДИС-АБЕБА. Эфиопия маориф министри Гошу Вольде бундай деди: кенг халқ оммасининг умумтаълим ва сиёсий даражасини ошириш, меҳнаткашлар орасида саводсизликни батамом тугатиш — Эфиопия революциясининг социалистик қурилишга ўтиш борасидаги мақсадларини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шарт-шароитидир.

● **МАПУТУ.** Мозамбик Халқ Республикаси пойтахтида социалистик мусобақани ташкил этиш учун масъул бўлган ходимлар семинари иш бошлади. Семинарнинг мақсади — шу соҳадаги тўпланган тажрибани умумлаштириш ва системалаштиришдан, шунингдек саноатда ва қишлоқ хўжалигида мусобақа якунларини чиқариш учун ягона тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

(ТАСС).

КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга

НАЗОРАТЧИЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Партия XXVI съезди томонидан халқ назоратчилари олдига қўйилган вазифаларнинг нақадар муҳимлиги ва моҳияти жиҳатидан кенглиги уларнинг доимо ташаббускорлигини, иш формаларини такомиллаштириш ва амалиётини оширишни тақозо этади.

Бугунги кунда шаҳримизда халқ назоратчиларининг 15 та университети, 602 мактаб ва 120 доимий семинарлари ишлаб турибди. Уларда 42,5 мингдан кўпроқ киши ўқимоқда. Халқ контроли группа ва постларининг раҳбарлари, ишчилар ва қурувчилардан иборат активистлар ўзларининг иқтисодий билимларини оширмоқдалар. Қоидага биноан, бу касб эгалари ишлаб чиқаришни яхши биладилар, ўз коллективларида обрў-эътибор қозонишган. Университетлар тингловчиларининг ярмидан кўпини коммунистлар ва комсомоллар ташкил этади.

Ўқувнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади — КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари асосида халқ контроли органлари олдига қўйилган вазифаларни риқларининг сўзсиз бажарилиши билан бирга, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш масалалари ташкил этади. «Билим» жамияти, республика техника уйи мутахассислари жалб этилган лекция ва семинарларда совет қонунчилиги асослари, иқтисодий тежамкорликка риоя қилиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, назоратнинг ленинча принципи каби масалалар муфассал ёритилади.

Машғулотлар давомида ўрганиладиган бир қатор мавзулар рўйхати қуйидагилардан иборат: «Коммунистик қурилишда КПСС раҳбарлик роли: партия ва жиҳатдан боғлиқдир. Буни ҳисобга олган университетлар ўқитувчилар составини сифат жиҳатидан муттасил яхшилаб бормоқда. Лекция ўқишга корхона ва ташкилотларнинг бирмунча тажрибали мутахассислари, шаҳар ва район партия комитетлари, халқ контроли шаҳар ва район комитетларининг ходимлари жалб қилинадилар. Ишлаб чиқариш масалаларини кенг тушуна билиш, инженерлик билимини эгаллаш, халқ назоратчилари олдида турган вазифаларни чуқур англаш каби сифатларнинг мужассамланувчи ўқитувчиларга машғулотларни юксак самаралилигига эришиш имконини беради.

Шаҳар ва район комитетлари халқ контроли органлари фаолиятини муттасил такомиллаштириб бормоқда, уларга текширувлар ўтказишда, жойларда назоратчиларнинг ўқувини ташкил этишда ёрдам бермоқда. Бунинг учун 27 методика кабинети ҳамда икки мингдан кўпроқ методика бурчаклари ташкил этилган ва улар ишлаб турибди. Буларда назоратчилик фаолиятининг турли томонлари, халқ контроли органининг структураси ёритиб борилмоқда.

Халқ контроли комитетлари, группа ва постларининг энг яхши иш тажрибалари матбуот ва телевидение орқали муттасил ёритиб борилмоқда. Масалан, шаҳар халқ контроли органларининг штатдаги ва штатсиз ходимлари 1980 йилда радио ва телевидение орқали 15 марта сўзга чиқиб, тажрибаларини ўртоқлашдилар. Энг яхши назоратчилар фаолияти тўғрисида минглаб плакатлар босиб чиқарилди.

Ҳозирги пайтда халқ назоратчилари университетлари, мактаблари, доимий семинарларда янги ўқув йили программаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўқув программада «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш и н и н г 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»га, КПСС Марказий Комитети қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларидан, СССРда халқ контроли тўғрисида қонундан, КПСС XXVI съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор берилган. Бу вазифаларни халқ назоратчилари ўзларининг жанговар иш программалари, деб қабул қилдилар. Улар ўз фаолиятлари янада амалий ва самарали бўлиши учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар.

Ю. МИХАЙЛОВ,
шаҳар халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Шаҳар халқ контроли комитетида

ҚУВВАТНИНГ ҚИЙМАТИ

Тежамкорлик — фаровонликни оширишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оқилона ва тежамли иш юритиш ҳар бир совет кишисининг маънавий эҳтиёжи бўлиб қолмоғи керак. Партия XXVI съездида айнан шу ҳақда сўз юритилди. Ун биринчи беш йиллиқда мамлакатни ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида таъкидлаб ўтилганидек, иссиқлик ва энергияни тежашнинг кенг программасини амалга ошириш, хўжасизларча иш юритувчилар ва талон-тарож қилувчиларга қарши қатъий нураш олиб боришни тақозо этади.

Кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари ўз вазифалари ва бурчларини бажара бориб, бу борада кўзга кўринарли даражада ютуқларга эришмоқдалар. Масалан, «Миконд» заводи — электр энергияси, иссиқлик энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланишда шаҳримизда энг яхши корхоналардан бири ҳисобланади. Корхонанинг энергия хўжалиги жуда яхши аҳволда эканлиги коллектив ўз хўжалигининг бир меъёрда ишлаши ҳақида жонбозлик кўрсатаётганлигидан далолат бериб турибди. Тежамкорлик — микондликларнинг қонуни. Масалан, ўтган йили бу ерда қариб бир миллион киловатт-соат электр энергияси, икки минг гигакалорийга яқин иссиқлик қувватини тежашга муваффақ бўлинди. Корхонада ҳар йили кўп меҳнат талаб қилинадиган иш жараёнларини камайтириш, янги техникани, ташкилий тадбирларни жорий этиш ҳисобига кўплаб энергия ресурсларини тежашга эришилмоқда.

Текширув шуни кўрсатдики, «Подъёмник», агрегат, электрон техника заводлари каби бир қатор корхоналарда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланилмоқда. Бу корхоналарнинг ҳар бирида эскирган ускуналар ўз вақтида янгилари билан алмаштирилмоқда, электр энергияси сарфи нормасини қисқартириш имкониятлари ўрганилмоқда, ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилмоқда. Бунда корхоналар цехлари ва бўлимларининг етакчи мутахассислари, касаба союз ташкилотлари, комсомол «прожекторчиларн» активистлари ва халқ назоратчиларини г ҳиссалари катта.

Афсуски, «Узбексельмаш» заводида аҳвол бошқача. Халқ назоратчилари «Узэнергосбит» ва «Узэнергогаз» инспекциялари билан биргаликда ўтказган текширувлари пайтида бу ерда кўплаб иссиқлик исроф бўлаётганлиги фактига дуч келишди. Иситиш печларида иссиқлик ва электр энергиясининг доимо ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотга ўтган йилдагидан кўра кўпроқ энергия ресурслари сарфланаётганлигига олиб келди. Бунинг устига корхона раҳбарлари мавжуд аҳволни тузатишга қаратилган зарур тадбирларни белгиламайдилар.

Халқ назоратчилари газ аппаратлари, резина-техника, тепловоз ремонти заводларида энергия ресурсларининг хўжасизларча сарфланаётганлиги фактларини аниқладилар. Бу корхоналарда электр энергиясидан фойдаланиш устидан олиб борилаётган назорат сусайтириб юборилган, тежамкорлик юзасидан тадбирлар корхонанинг реал имкониятларидан келиб чиқиб белгиланмаган. Аксарият ҳолларда ускуналар бекорга ишлаб, кундуз кунлари участкаларда ўнлаб лампочкалар ёниб туради. Ана шу корхоналарнинг ҳар бири ўтган йили электр энергиясини ортиқча сарфлаганлиги учун неча минг сўмлаб жарима тўлади. Ваҳоланки, бу маблағлардан ижтимоий-маданий эҳтиёжларда фойдаланиш мумкин эди.

Назоратчилар бадий буюмлар фабрикасида (директори Е. Акбарова) электр энергияси сарфининг квартал ҳисоб-китоби нотўғри тузилаётганлигига эътиборни жалб қилдилар. Фабрика дирекцияси электр сарфи бўйича аниқ маълумотга эга бўлмаганлиги натижасида жарима тўлашга мажбур бўлди.

Булка-кондитер комбинатида, 3-автопаркда, қоғоз комбинати, канап фабрикасида ҳам электр энергиясига нисбатан ана шундай муносабатда бўлмоқдалар. Бу корхоналарда электр энергиясидан нораціональ фойдаланилганлик н и бартараф этилганда, ҳар йили 40 миллион киловатт-соатга яқин электр энергияси ҳамда 30 минг тигакалорий иссиқлик энергиясини тежаш имкони вужудга келган бўлур эди.

Шаҳар халқ контроли комитети халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети билан бирга ана шу масалани кўриб чиқиб, иссиқлик-энергетик а ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун курашни кучайтиришни корхоналар ва ташкилотлар меҳнат коллективларининг, маҳаллий Советларнинг депутатлари билан назоратчиларнинг биргаликда кучғайратларини ана шу мақсадга сафарбар этишни тавсия қилдилар.

• *Жойлардан хабарлар*

КУНДАЛИК ИШДА СИНАЛГАН

Чилонзор районидаги кийимларни химиявий тозалаш ва бўяш фабрикасига киравершидаги халқ контроли бош группасининг стенди киши диққатини ўзига тортади. Қалин оқ қоғозларда сифат, социалистик ва хусусий мулкни сақлаш, иқтисодий тежамкорлик, таклиф ва шикоятлар каби секторларнинг вазифалари аниқ ёзиб қўйилган. Ҳар бир секторда цехлар, филиаллар, қабул пунктларининг вакилларидан иборат 2—3 киши бор. Стендда кўзга ташланадиган фактлар ўтган йили аҳолига машиний хизмат кўрсатиш сифати бирмунча яхшиланганлигидан, буюртмачилар сони кўпайганлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Коллектив эришган ютуқда — фабрика назоратчиларини н и н г катта ҳиссалари бор. Улар ҳар бир буюртманинг қабул пунктидан то цехгача ва қайта равишда қандай қўлдан ўтаётганлиги устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминлай билдилар. Бу. буюртмаларнинг бажарилиш муддатининг бузилиши, буюмларга путур етиши ва йўқолиши каби ҳолларга деярли тўла равишда барҳам берди. Буюртмачилардан тушадиган эътирозлар кескин камайди.

Халқ назоратчилари фабрика филиалларида ҳужжатларнинг расмийлаштирил н и ш и, буюмларга ишлов берилишининг сифати устидан муттасил назорат олиб бормоқдалар. Группа рейдлар якуни тўғрисида партия бюросини, дирекцияни хабардор қилиб туради.

Назоратчилар социалистик мулкни сақлаш юзасидан ўтказилган кўрикларда фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, тушган пулларнинг ўз вақтида топширилиши, қимматли материалларнинг сақланиши ва улардан фойдаланиш устидан назорат олиб боришади. Пунктлар ва филиалларнинг қабул қилувчи ходимлари билан ой сайин семинар ўтказилиб турилади.

КПСС XXVI съезди томонидан машиний хизмат кўрсатиш ходимлари олдига қўйилган вазифаларнинг, улар қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши ишлаб чиқариш резервларини топиш ва улардан фойдаланишга, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Халқ назоратчилари аҳолига хизмат кўрсатишда коллектив ўртасида ўрнатилган норма ва қоидаларга оғишмай риоя қилишишга эришиш учун катта ишларни амалга оширишлари керак. Улар камчиликларни келтириб чиқарувчи сабабларни билишлари ҳамда уларни бартараф қилишга эришишлари керак. Бизнинг группамиз айнан ана шу мақсад йўлида меҳнат қилмоқда.

З. КАЛАШНИКОВА,
кийимларни химиявий тозалаш ва бўяш фабрикаси халқ контроли группаси раисининг ўринбосари.

ТЕЖАМКОР БЎЛСАК

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ контроли группаси ўз сафига 250 дан ортиқ кишини бирлаштирган. Улар хом ашё ва материалларнинг сақланиши ҳамда ҳисобга олинишини доимо диққат-эътиборларида тутиб келмоқдалар.

Масалан, яқинда ўтказилган текширув натижасида шу нарса маълум бўлдики, 100 тоннадан ортиқ йигирилган иплар ва сунъий ипак толалари очиқ ҳавода брезент остида сақланган. Қишнинг нам об-ҳавоси бу хом ашёга таъсир ўтказган. Тўқув цехида ишчилар томонидан фойдаланиладиган йигирилган ипларнинг ҳисобга олиниши яхши йўлга қўйилмаган. Чиқиндилар умуман биргаликда топширилган.

Текширув натижаси завод партия комитетида кўриб чиқилди. Шундан кейин топилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зудлик билан тадбирлар белгиланди.

Бирлашма назоратчиларининг бундай ҳайрли ишларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

В. МЕЛЬКИН,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли бош группасининг раиси.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

• Ишлаб чиқаришда юксак самарадорлик учун • Ҳисобда бошқа-ю, амалда бошқа • Рейд нимани кўрсатди? • Саҳийликдан кўрилган зарар

«ЭКОНОМИКАНИНГ ҲАММА БЎҒИНЛАРИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ НАТИЖАЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛСИН. КОНТРОЛЬ-РЕВИЗИЯ ИШИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН. ДАВЛАТ ИНТИЗОМИНИ, СОЦИАЛИСТИК МУЛКНИ САҚЛАШ ВА ТЕЖАМКОРЛИККА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИДОРАВИЙ КОНТРОЛНИНГ РОЛИ ОШИРИЛСИН».

(СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари)дан.



Тошкент упа-элик фабрикасининг хилма-хил маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб борялти. Чунки маҳсулотларнинг сифати ҳам, узлуксиз яхшиланмоқда. Бунда корхона халқ назоратчиларининг муайян ҳиссалари бор.

СУРАТЛАРДА: Халқ назоратчиси, эрканлар косметикаси цехининг коммунистик меҳнат зарбдори Роза Ли (юқоридаги сурат). Халқ контролининг бир группа активлари.

М. Нуриддинов фотолари.

Ўн биринчи беш йиллиққа белгиланган ишлар миқёсининг кенглиги, КПСС XXVI съезди томонидан халқ назоратчилари олдига қўйилган вазифаларнинг муҳимлиги группа ва постлар активлигини, улар фаолиятининг амалийлигини янада оширишни тақозо этади.

«Таштекстильмаш» заводи халқ контролининг бош группаси 26 кишидан иборат. Назоратчилар фаолияти устидан оператив раҳбарлик олиб бориш учун группа бюроси сайланган. Бюрога бирмунча актив, корхонанинг бўлинмаларидаги ишлар ҳолатини яхши тушунадиган назоратчилар сайланишган.

Бундан ташқари, бош группада еттита сектор ташкил этилган. Булар — ишлаб чиқариш план ва топшириқларининг бажарилиши устидан, экспорт ва кооператив ҳолда маҳсулот етказиб бериш, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, шунингдек халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, иқтисодий тежамкорликка ҳамда социалистик мулкни муҳофаза этишга риоя қилиш, ишлаб чиқариш объектларининг қурилиши ва реконструкцияси устидан назорат олиб бориш. назоратнинг ошкоралиги, меҳнаткашлардан тушган таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш каби секторлардир. Бу секторлар ўзлари каби 24 та цех группасидаги секторлар билан узвий алоқа боғлашган, уларга ёрдам кўрсатадилар, биргаликда текширувлар ўтказадилар, таклиф ва тавсияномалар ишлаб чиқишади. Уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боришади.

Бош группа ўз ишини завод партия комитетининг мажлисида тасдиқланган квартал ва перспектив план асосида олиб боради. Шунингдек, жамоатчилик назорат органлари (завод комитети, «Комсомол прожектори» комиссиясининг) фаолиятининг календарь планларини тузади. Буларни партия комитети цех партия ва жамоатчилик ташкилотларига тарқатади. Ҳаёт халқ назоратчилари олдига доимо навбатдаги вазифани қўйиб келмоқда. Улар бу вазифаларни умум кучи билан ҳамкорликда амалга ошириб келмоқдалар. Масалан, ҳар квартал сайин товар маҳсулоти ишлаб чиқарилиши, тўқимачилик машиналарига эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, қора ва рангли металларни, электр энергияси, газ ва бошқа хом ашёларни тежаш юзасидан тадбирларнинг амалга оширилиши устидан текширув олиб борилади. Текширув ва рейдлар ҳар сафар у ёки бу камчиликларни очиб ташлайди. Камчиликлар эса завод раҳбарлари ёки партия комитетининг мажлисида муҳокама этилгандан сўнг бартараф қилинади. Назоратчилар тежамкорликка муттасил эътибор бериб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам ўнинчи беш йиллик мобайнида заводда 2 минг тонна қора металл прокати, 800 тонна алюминий, 7.300 киловатт-соат электр энергияси тежашга муваффақ бўлинди.

Бош группа ҳар бир текширувга пухта тайёргарлик кўради. Рейд бригадаси составига мутахассислар, инженер-техник ходимлар киритилади. Бунинг натижасида текширув яхши олиб борилади. Завод раҳбарлари ва партия комитети ўтказилган рейд натижаларини ўз вақтида таҳлил этади ҳамда хўжасизлик ва талон-тарожга йўл қўйган кишиларни қатиқ жавобгарликка тортади.

Бош группа ўз фаолиятида текширув ва рейдларнинг ошкоралигига алоҳида эътибор бермоқда. Ой сайин корхонанинг кўп нусҳали «Машиностроитель» газетасида «Халқ контроли саҳифаси» ёритилади. «Халқ контроли экрани» доимо материаллар билан банд. Унда у ёки бу цех ва участкада олиб борилган текширувлар натижаси тўғрисида ҳикоя қилинади.

Бош группанинг ишчан активлари илғор ишчилар, коммунистлар, инженер-техник ходимлардан иборатдир.

Бу йил корхона назоратчилари партия ташкилоти раҳбарлигида ўз фаолликларини янада ошириб юборадилар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янги-янги имкониятларини топишга кунт билан эришмоқдалар.

А. БРОНШТЕЙН,
шаҳар халқ контроли комитети назоратнинг ошкоралиги сектори мудири.

• *Иш тажрибасидан*

ГРУППАЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

ХАТЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Партия ва ҳукуматимиз қарорлари асосида меҳнаткашлардан тушган шикоятлар, аризалар ва таклифларнинг «Главташкентстрой»нинг 159-ҳамда «Жилстрой» трестларида кўриб чиқилиш тартиби тўғрисидаги масала шаҳар халқ контроли комитетининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилинди. Комитет бу борада маълум даражада ишлар қилинганлигини таъкидлаш билан бирга, жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳам уқтирди.

159-қурилиш трестида хатларда баён этилган фактлар юзаки текширилади, бу ерга келиб тушувчи хат ва аризаларни ҳисобга олиш ва контроль қилиш бўйича масъулиятли киши тайинланмаган. Шикоят ва аризалар қайд этиладиган дафтарда хатларнинг номерлари, улар юзасидан ижронинг муддати, масъулиятли киши, назоратдан ўчирилганлиги тўғрисидаги белгилар йўқ. Хат эгасига қайтарилган жавобнинг нусхалари қолдирилмаган. Трест раҳбарларининг қабул қилинган гражданларни ҳисобга оладиган дафтарлари, гражданларни қабул қилиш графиги йўлга қўйилмаган. Трест томонидан хатлар юзасидан жойларда бирон марта ҳам текширув ўтказилмаган, шунинг учун ҳам трестнинг 8, 9, 10-қурилиш бошқармаларида бу борада жиддий нуқсонлар мавжуд. Трест халқ контроли группаси (раиси ўртоқ Эргашева) ҳам ишнинг ана шу муҳим участкасига етарли даражада эътибор бермаган. Группанинг иш планида бу пункт мутлақо кўрсатилмаган.

«Жилстрой» трестида ҳам худди шундай. Иш юритиш ўлда-жўлда бўлганлиги учун келган хатлар сонини, уларнинг мазмунини, текшириш муддати ва улар юзасидан белгиланган тадбирларни аниқлаш имкони бўлмади. Трестда хатларнинг ўтиши устидан керакли даражада назорат олиб борилмаган, баъзи хатлар юзасидан қарор қабул қилинмаган, қабул қилингани ҳам амалга оширилмаган. Шунингдек, гражданларни қабул қилиш дафтари тутилмаган.

Шаҳар халқ контроли комитети 159-трест бошқарувчиси К. Тўлаганова ва «Жилстрой» трести бошқарувчисининг ўринбосари Б. Розиқова КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашлардан тушган хатлар билан ишлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг «Меҳнатк а ш л а р д а н тушган шикоятлар, аризалар ва таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Фармонини қоникарсиз даражада амалга ошираётганликларини уқтирди. Вужудга келган аҳволни яхшилаш муддати белгиланди.

НОВАТОРЛАР ШИОРИ

«Ҳамма нарсадан тежайлик!» — Бугунги кунда Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида 29 бригада ана шу шиор остида меҳнат қилмоқда. Бу шиорга 250 дан ортиқ бичувчилар ва қирқувчилар қўшилишди. Булар орасида халқ назоратчилари ҳам бор. Корхона халқ назоратчилари илғорлар тажриба мактабини ташкил этишди. Мактабда машғулотларни тажрибали мутахассислар, меҳнат ветеранлари олиб боришмоқда.

Ҳар бир иш жойида хом ашё ва материалларни тежашни таъминловчи тадбирларнинг амалга оширилиши доимо халқ назоратчиларининг диққат-эътиборида. Бунинг натижасида ўнинчи беш йилликда тежалган материаллардан қўшимча равишда 200 минг жуфтга яқин пойафзал тикилди.

Бирлашма халқ назоратчилари бу йил «Ҳамма нарсадан тежайлик» ҳаракатига пойафзалчилар коллективини жалб этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

А. ОХУНОВ,
бирлашма бош корхонаси халқ контроли группасининг раиси.

ТАНҚИД ТИГИ ОСТИДА

ТОПДИНГМИ, ФОЙДАЛАН!

Фойдаланилм г а н имкониятларни қидириб топ, дейишади. Уни топиш учун жилла бўлмаганда ана шу имкониятдан озроқ бўлиши керак.

Бу масалани «Главташкентстрой»нинг 2-уйсозлик комбинати раҳбарлари (бошлиғи Винтовкин, бошлиқ ўринбосари Беркович ўртоқлар) жуда яхши ҳал қиладилар. Комбинатда 154 тонна қора металл прокатини, қариб 70 тонна металлдан ишланган буюмларни, 44 минг метр кабелни, 562 тонна цементни, 5,5 тоннага яқин бўёқни яширишган. Энди улардан қаерда фойдаланиш керак?

2 ТОШКЕНТ бет **ОКШОМИ**

НАСИБАМИЗ УЗИЛМАСА БЎЛГАНИ

Тафтиш-тафтиш билан, лекин ғоҳ-ғоҳ иш орасида бухгалтерия ходимлари қандай ҳушёрлик билан ишлаётганликларини билиш учун текширув ўтказиш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Масалан, Акмал Икромов ва Ҳамза районларидаги 3 ва 8-стоматология поликлиникаларида ҳисобга олиш-ҳисоб бериш ҳужжатлари юзасидан тез-тез шундай текширувлар ўтказиб турилади. Шуниси ҳайрон қолдирики, қиммат баҳоли металлни ҳисобга олиш, пул қабул қилишда квитанция дафтарининг тўлдирилиши каби касса муомаласида доимо бухгалтерия томонидан рақамлар юқори бўлади. Бош қотиришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ. Квартал мукофоти бериладиган рўйхатда бу ерда стоматологлар билан бир қаторда марказий бухгалтерея ходимлари — ҳисобчилар, кассирлар ва бошқаларни ҳам киритишни унутишмайди. Шундай экан, уларнинг ҳаммаси поликлиникаларнинг бош врачлари Аминова ва Қозоқбоев ўртоқлар каби, моддий чалкашликларга панжа орасидан қарайверадилар. Насибадан қуруқ қолишмаса бўлгани қабилида иш тутишади.

Е. ПЕТУХОВ.

ҲИСОБ ЧИҚИНГ

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА НАЗОРАТ»

«Советская Россия» нашриёти томонидан яқиндагина чоп этилган янги китоб ана шундай аталади. Унинг муаллифлари В. Резников билан Г. Купалов умумий овқатланиш соҳасида халқ контролини ташкил этиш тўғрисида ҳикоя қиладилар. Умумий овқатланиш корхоналарида текширув ўтказишни ташкил этишда муаллифлар бу тармоқнинг хусусиятини ҳисобга олишни маслаҳат берадилар. Умумий овқатланиш тармоғида текширув ўтказиш юқори органларнинг ана шу масала юзасидан қабул қилган энг муҳим қарорлари ва кўрсатмаларини, норматив ҳужжатларни, ҳисоб-китоб, нархнаво каби қонун-қоидаларни чуқур билишни тақозо этади. Калькуляцияни, маҳсулотларнинг чиқинди нормасини, тайёрланадиган таомлар рецептураси ва технологиясини билиш зарур. Текширув вақтида товар оборот планининг, жумладан ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар планининг бажарилишини характерлаб берувчи ҳар тарафлама ва чуқур таҳлил қила билиш муҳим аҳамият касб этади. Китобда умумий овқатланиш корхоналарида сотилган таомларни текширишга бағишланган маҳсус бўлим бор.

ВАҚТИДА МАНЗИЛГА ЭЛТИШМОҚДА

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш оиралашмасининг ҳамма автомобиль транспорт корхоналари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини қўтаринки руҳда бошлашди. Шаҳримизнинг кенг миқёсдаги қурилиш майдонларига ҳар куни неча минг тонналаб турли хил қурилиш материаллари узлуксиз етказиб берилмоқда. Автотранспорт корхоналарида ишнинг бир меъёрда бориши устидан икки юздан ортиқ халқ назоратчилари ҳушёрлик билан контроллик қилиб туришибди.

Ишлаб чиқариш жонкуярлари орасида халқ контроли группаси аъзолари —2-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси Н. Бегматов, 9-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси А. Мешчеряков, авторемент заводи ишчиси В. Петров ва бошқа кўпгина кишилар бор. Буларнинг фидокорона меҳнатлари бирлашма маъмурияти, касаба союз ва партия ташкилоти томонидан муносиб тақдирланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

Лидович Яков Ефимович— Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети қошидаги Доимий ваколатхонаси референти.

Костиков Иван Капитонович— «Правда Востока» республика газетаси редакторининг ўринбосари.

Кунназаров Ўринбой — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Мажидов Ҳамид— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Бошқармасининг бўлим мудири.

Маҳмудов Носир— Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси.

Нарилин Михаил Рубенович — Ўзбекистон ССР Госплани бўлим бошлиғининг ўринбосари.

Окунский Владимир Викторович— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири.

Расулев Содик — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари.

Рашидов Сафоб — Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Тожиев Эркин Хусанович — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

Тўраев Азиз Оппокович— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири.

Йўлдошев Садриддин Хўжаевич— В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси.

«ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуқаҳҳоров Абдуҳолиқ Абдуҳамидович— «Узплодоовощвинпром» бирлашмасининг бошқарма бошлиғи.

Андриякин Владимир Борисович— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси бўлимининг катта референти.

Ҳасанов Шитап Камолович — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Йўлдошев Абдуваҳоб Абдусаматович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Юсупов Акромжон — «Главсредазирсовхозстрой» бошқармаси бошлиғи.

Юсупов Болтабой— «Сирдарёвилоятсовхозстрой»нинг бошқармаси бошлиғи.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Акромов Жавлон Илҳомович—Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги «Узпчелпром» бирлашмасининг цех ишчиси.

Алимов Ортик Алимович — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Узводкомплект» трести кран машинисти.

Жавҳаров Воли Умарович—Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» республика базасининг аккумуляторчиси.

Исломов Маҳмуд Қодирович— Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги «Узглавзооветснаб» марказий базасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Қосимхўжаев Эркин Ҳикматуллаевич — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» республика базасининг тепловоз машинисти.

«ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуқодиров Равиль Вахобович—Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири.

Ойхўжаев Аббосхўжа Камолитдинович — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бошқармасининг бўлим мудири ўринбосари.

Лим Павел Захарович— Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

Маҳсумов Ҳамидулла Лутфуллаевич — қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи республика комитетининг бўлим мудири.

Минин Василий Дмитриевич — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» Бош бошқармасининг бошлиғи.

Насаль Геннадий Владимирович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги партия комиссияси раисининг ўринбосари.

Сагиров Толгат Миргарифанович— Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Бош бошқармасининг бошлиғи.

Сантос Рашит Ҳангириевич— Ўзбекистон ССР халқ контроли Комитетининг бўлим инспектори.

Сангинов Неъмат Азимович— Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари.

Расшидов Сахоб — Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Селимов Сервер — «Ленин байраги» республика газетасининг масъул секретари.

Соколова Надежда Павловна— матлубот жамиятлари республика союзининг Бош бошқармаси бўлими етакчи товароведи.

Ткачёв Леонид Леонидович— Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлиги Давлат инспекцияси бошлиғи.

Тўйчиев Дадамирза —Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг етакчи мутахассиси.

Тян Николай Данилович — «Главсредазирсовхозстрой» бошқармаси бўлим бошлиғи.

Фахрутдинов Фазлиддин Фахрутдинович — Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари.

Ҳасанов Шитап Камолович — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Йўлдошев Абдуваҳоб Абдусаматович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Юсупов Акромжон — «Главсредазирсовхозстрой» бошқармаси бошлиғи.

Юсупов Болтабой— «Сирдарёвилоятсовхозстрой»нинг бошқармаси бошлиғи.

Турсунхўжаев Озод — В. И. Ленин номидаги Бутунитфоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими илмий секретари.

Тўхтаев Боқижон— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Бошқармаси бўлимининг катта референти.

Тян Емельян Макарович — Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлигининг давлат инспектори.

Хабибуллина Фавзия Аглюловна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим инструктори.

Ҳамроев Ҳасан Ёрмуҳамедович— телевидение ва радиоэшиттириш бўйича республика Давлат комитети «Ахборот» информацион программаси бош редакциясининг бўлим мудири.

Умаров Эргаш Ўзганович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Бошқармасининг бўлим мудири ўринбосари.

Йўлдошев Тўрақул —Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

«МЕХНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Алимов Миркомил Одилович — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Аникеева Софья Петровна— В. А. Бугаев номидаги Ўрта Осиё регионал илмий тадқиқот институтининг лаборатория мудири.

Аҳмедов Рихсибой Зиётович— Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлигининг давлат инспектори.

Дадонова Людмила Керимовна — «Узколхозстрой» бўлими бошлиғи.

Исомиддинов Муҳсин Рўзиевич — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг етакчи агрономи.

Исроилов Ҳайдарали Ғуломович— телевидение ва радио эшиттириш бўйича Ўзбекистон ССР Давлат комитети бош редакторининг ўринбосари.

Каримова Лола Ашировна — Ўзбекистон ССР Госплани бўлимининг катта агроном-экономисти.

Косьминин Анатолий Михайлович— Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» Бош бошқармасининг бошлиғи ўринбосари.

Ли Маргарита— «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бошқармасининг катта экономисти.

Маҳмудов Давлат Султонович — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» бошқармасининг бош технологи.

Мирзаев Юсуп Мавлонович— «Ҳақиқати Ўзбекистон» республика газетасининг бўлим мудири.

Миронов Юрий Николаевич— Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармаси бошлиғи.

Муҳиддинов Камолиддин — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармаси бошлиғи.

Нуриева Людмила Аксановна— Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги методисти.

Раҳимова Мамлакат — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг бўлим инспектори.

Рустамбеков Отабек Норбекович— Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги «Узсельхозхимия» бирлашмаси бошқармасининг бошлиғи ўринбосари.

Сагиров Расих Гарифович — «Узплодоовощвинпром» бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Саруханова Нина Алексеевна — «Главсредазирсовхозстрой» бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Сулейманиц Элеонора Эмануиловна — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бўлимининг катта экономисти.

Ҳолиқов Рашид Хакимович— Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлигининг бош агрономи.

Чернов Владимир Александрович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Бошқармаси бўлимининг катта референти.

Шоаҳмедов Анвар— Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг етакчи агрономи.

Шевченко Мавий Иванович— Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Юнусов Хайрулла Абдулаевич — «Узколхозстрой» бирлашмасининг «Узглавколхозстройкомплект» бошлиғи.

Ёқубов Неъмат— «Қишлоқ ҳақиқати» республика газетаси редакторининг ўринбосари.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил 26 февраль.

ОЛИМЛАР — ПАХТАКОРЛАРГА

ЯНГИ НАВЛАР ДАЛАГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар эксперименталь биологияси институтининг олимлари яратган районлаштирилган янги АН — 402 нави экиладиган майдонлар шу кўкламда бултургига нисбатан бир ярим баравар кўпаяди. Бултур шу ғўза қарийб юз минг гектарга экилди ва ҳамма ерда жуда яхши — ўрта ҳисобда гектар бошига 40 центнердан кўп пахта берди. Бу нав Фарғона водийсининг пахтакорларига айниқса ёқиб қолди, чунки бу ерда пахта далаларининг офати бўлган вилт касаллиги тарқалган эди. Радиобиология лабораториясида ёввойи Мексика ғўзасига нур бериш методи билан яратилган АН — 402 нави шу хавфли касалликка бошқа навларга нисбатан кўпроқ бардош беради, ирсияти эса тоғ ноқулай шароитларда ҳам яхши ўсишига имкон беради.

Янгидан районлаштирилган «АН— Самарқанд —2» ва «АН — Самарқанд — 3», «Ан— Ўзбекистон — 3», «Тошкент — 6» навлари бу йил ўн минглаб гектар ерга экилади. Синаб кўрилган беор ва серҳосил «Октябрь— 60», «Оқ олтин», «Иттифоқ» навлари тўғрисида, 90—100 кунда пишадиган «Ан — чиллаки —1» нави тўғрисида яхши баҳолар олинмоқда. Ҳозир институт олимлари яратган жами 20 тага яқин истиқболли навлар турли синаш босқичларидан ўтмоқда.

— Об-ҳаво шароитларидан қатъи назар муттасил эртапишар ҳосил берадиган навларни пахтакорларга топширишни тезлатиш ниятидамиз, барги табиий равишда тўкиладиган ғўза навини яратиш ишларини кучайтирамиз, — дейди ўсимликлар эксперименталь биологияси институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Абдуллаев. — Кейинчалик бориб республикадаги ҳар бир пахтачилик зонаси деҳқонларини айни шу зоналардаги тупроқ-иқлимий шароитлар учун энг самарали бўлган районлаштирилган навлар билан таъминлашни кўзлаймиз.

Институтда яратилган янги ғўза навларини жорий этишдан йилига 60 миллион сўмлик самара олинмоқда.

ЛАБОРАТОРИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Нукус давлат университети ҳузурида табиатни муҳофаза қилиш лабораторияси ташкил этилди. Лаборатория олий ўқув юртининг яна бир касб—табиатни муҳофаза қилиш соҳасида, жумладан қўриқхоналар ва ўрмон хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашига имкон беради.

(ЎзТАГ).

Собир Раҳимов районидаги 395-болалар боғчасида лингофон кабинети ишлаб турибди. Бу ерда болалар рус тилини тўғри талаффуз қилишни ўрганишади.

СУРАТДА: тарбиячи Ойдин Абдуллаева лингофон кабинетида машғулот ўтказмоқда.

Ҳ. Шодиев фотоси.

Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда

«ТАРЖУМОН»НИНГ ТАРЖИМАСИ

Туркий халқлар тарихига, хусусан, тилига бағишланган обидаларни илмий ўрганиш, таржима этиш ҳозирги замон тилшунослигида жуда муҳим ва заурур проблематик масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса туркий халқлар тарихини жумладан, адабий тили тарихини, шаклланишини ўрганишга ёрдам беради.

Маълумки, эски ўзбек тилига бағишланган тарихий ёдномалар, асосан, араб, форс ва туркий тилда ёзилган. Жумладан, Миср ва Суриядаги туркий қабилаларнинг иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидан тутган мавқеи бу ерда тарқалган туркий тилларни ўрганиш заруратини туғдирди.

Туркий тилни ўрганиш зарурати тўфайли араб тилида қадимданоқ қатор филологик асарлар яратилган. Жумладан, Абу Ҳайёммнинг «Китоб ал идрок — ли-лисон ал атрок», муаллифи номаълум «Китоб-ат — туҳфа аз-закийа фи луғат ат — туркийа», Жамолиддин Туркийнинг «Китобу булғот ал муштоқ фил-луғатит турк вал қипчоқ» (Турк ва қипчоқ тилларига муштоқ кишиларни қониқтирувчи китоб) ва бошқа кўпгина ёдномалар вужудга келди. Бу асарларда туркий халқлар тилининг луғат составви ва грамматик хусусиятлари атрофлича акс эттирилган. Ана шундай асарлардан бири «Таржумон туркий ва ажамий ва муғулий (қисқартирилган «Таржумон») ёдномасидир. Мазкур қўлёзма Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари кандидати А. Юнусов томонидан нашрга тайёрланиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари У. И. Каримов, Э. И. Фозиловларнинг масъул муҳаррирлигида «Фан» нашриётида чоп этилди.

Нашрга тайёрловчи асарнинг яратилиш тарихини, «Таржумон» ҳақидаги дастлабки маълумот ва тадқиқотларни пухта ўрганган. У бой фактик материаллар асосида китоб ҳақида қимматли маълумотлар берган. А. Юнусов китобнинг кириш қисмида чет эл ҳамда совет туркшунос олимларининг «Таржумон»ни ўрганишга қўшган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаб ўтади. Асар 76 варақдан иборат бўлиб, асосан туркча—арабча, қолгани эса мўғулча—форсча ва арабча — форсча луғатлардир.

Сўзларни этимологик жиҳатдан анализ қилиш, ҳар бир сўзнинг келиб чиқиши, асли қайси тилга мансублигини аниқлаш тилшуносликда энг мураккаб вазифалардан биридир. Бу эса тилшунос олимдан чуқур билим, катта маҳорат, айниқса, кўп тилларни билишни тақозо этади. А. Юнусов обидада қўлланилган сўзларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, уларнинг тарихини, аслини аниқлашга уринган. Масалан, қурчи-тўқувчи, тўқиш ва тароқнинг тақиллашидан олинган. Қашқ-қашлагич — қашмоқ феълидан олинган.

Шунингдек, нашрга тайёрловчи асарда у ёки бу сўзнинг тарқалиш доирасини аник кўрсатган. Араб тилига ўзлашган туркий сўзларнинг аслини аниқлашга ҳам кенгроқ тўхталган. Масалан, сонқур—шунқор, қобуз—қўбуз, сис — қўқуқ туман рангли от каби туркий сўзлар арабий бўлиб ўзлашиб кетган. Арабча сўзлар туркий бўлиб ҳисобланган. Масалан, бўстон —боғ-бўстон, фурун—тандир кабилар.

А. Юнусов «Таржумон»нинг грамматик хусусиятларига, хусусан морфологиясига кенгроқ тўхталган. Бунда от туркуми икки қисмга: атоқли ва турдош отларга бўлиниб, улар алоҳида бобларга ажратилиб кўрсатилган.

Нашрга тайёрловчи обиданинг лексика қисмида қипчоқ, ўғуз, туркман тилларининг лексикасига оид сўзлар кўп қўлланилганлигини таъкидлайди. Уларни тематик группаларга ажратиб кўрсатади. Масалан, киши номлари: Гуҳар; астрономик номлар: улкер—ҳулкар (юлдуз); географик номлар: Шам—Шом, Сурия каби ўн бешга яқин группаларга ажратилган. Нутқнинг ранг-баранглигини, жозибадорлигини таъмин этувчи лексик категориялар, синоним ва омонимларнинг икки ва ундан ортиқ вариантлари қайд этилган.

Китобда «Таржумон туркий ва ажамий ва муғулий» асари текстининг тўлиқ таржимаси (29—89) берилган. Таржима ҳам оригиналдагидек, тўрт қисмга бўлинади. Биринчи қисм. Исмлар ҳақида аталиб, 26 фаслдан иборат. Бунда келтирилган мисоллар сўзлик сифатида берилиб борилади. Иккинчи қисм. феълнинг буйруқ майли ҳақидадир. Буйруқ майлининг II шахс бирликда, сўзларнинг келаси замонда қандай турланишини кўрсатувчи феълларга мисоллар берилган. Масалан, оқизгил—ўқигин, коргин —кўргин кабилар. Учинчи қисм. Феълнинг тусланиши бўлиб, унда асосан тусловчи аффикслар ҳақида фикр боради. Таржимада ўтган. келаси, ҳозирги замон феълларининг тусланиши алоҳида-алоҳида сарлавҳа остида кенг тушунтирилган. Тўртинчи қисм гап қисмалари ҳақида. Бунда арабча ясовчи, шахсон ва келишик қўшимчалар туркий тилдаги барча аффикслар билан қиёсланган.

А. Юнусов тадқиқот билан бирга мазкур ёдномани арабчадан ўзбек тилига тўғри ва айнан ўгириб, жуда қийин ва масъулиятли вазифани бажарган.

Китоб айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Жумладан, китобнинг луғат қисмида баъзи сўзларнинг транскрипцияси бузилган. Тадқиқот охирида хулоса берилганда яхши бўлар эди. Бу жузъий нуқсонлардан қатъи назар, А. Юнусовнинг «Таржумон»га бағишланган тадқиқоти ва таржимаси XIV аср тарихий грамматикаси ва лексикасини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

З. ҲАМИДОВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ИНОҒОМОВ: Тепловоз ҳайдайдиган машинист бўлмоқчиман. Бу касбни қаерда ўрганишим мумкин?

Жавоб: Тепловоз машинисти ёрдамчиси бўлмоқчи бўлсангиз, Тошкент тепловоз депосига мурожаат қилинг. Бу ерда олти ойлик курс мавжуд. Депо Куйбишев шоссеси 13, 22-бинода жойлашган. Шунингдек, Жарқўрғон кўчасида 31-ҳунар-техника билим юрти бор. Бу ерда 8-синф маълумотидагилар уч йил, 10-синф маълумотидагилар бир ярим йил ўқиб, машинист гувоҳномасини олишлари мумкин. У ерга Революция хиёбонидан 26-автобусда борилади.

* * *

Р. РАҲМОНҚУЛОВ: Ишлаб чиқариш кенгаши нима? Унда қандай масалалар кўрилади?

Жавоб: Ишлаб чиқариш кенгаши — ишлаб чиқаришни бошқаришда бевосита меҳнаткашларнинг иштирокида ўтадиган йиғилишлардан бири ҳисобланади. Ў планларни бажариш ва ошириб бажаришга ҳамда турли хил ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга қаратилади. Унинг бош вазифаси резерваларни очиш ва ишлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйишдир.

Ишчи ва хизматчилар, партия, ҳ касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари ишлаб чиқариш кенгашининг доимий аъзолари бўлишлари мумкин. Улар ишчи ва хизматчиларнинг умумий йиғилишида сайланадилар. Кўрилган масалалар бўйича кенгаш қарор қабул қилади.

* * *

Р. АЛИЕВ: Ишчиларга разряд беришда нималар ҳисобга олинади?

Жавоб: Ишчига разряд беришда унинг касб маҳорати, ушбу касбни қай даражада билиши ҳисобга олинади. Завод ва фабрикаларда ишчиларга разрядни кадрлар тайёрлаш бўлими беради. Бунинг учун ишчининг касб маҳоратини махсус комиссия текшириши керак.

* * *

А. ЕДГОРОВ, Ҳ. САИҚОНОВ: Тошкент вокзали қачон қурилган?

Жавоб: Энг биринчи Тошкент вокзали 1896 йили қурилган. 1963 йили у кенгайтирилди. Унинг ўрнида янги бино бунёд этилди. 1973 йили эса у янада чиройлироқ очди. Ёнига қўшимча бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

* * *

Г. ҒАФУРОВ: «Ўзбекфильм» киностудияси қачон ташкил этилган?

Жавоб: 1925 йилнинг 4 июнида Тошкент шаҳрида Шайхонтоҳур масжидининг биносида киностудия ташкил этилди. Ўша пайтда у «Шарқ юлдузи» кинотрести деб номланар эди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, Туркистонда кино ишлаб чиқариш ишига бундан бир йил илгари асос солинган эди. 1924 йили Бухоро Халқ Республикаси томонидан ташкил этилган «Бухкино» фаолияти «Ажал минораси», «Мусулмон аёли» деган икки фильм билан чегараланган. Мазкур картиналар режиссери Б. Бассалито эди.

* * *

М. ШОДИЕВА: Биз ҳар хил маросимларда ва карнаваллларда кийиш учун прокат пунктларидан костюм ва маскаларни прокатга олмоқчи эдик. Шаҳримизда шундай прокат пункти борми?

Жавоб: Навоий кўчаси 30«а» уйда жойлашган «Сервис» фирмасида келин ва кўёвлар учун прокатга кийим-кечаклар бериб турилади. Афсуски, шаҳримизда Сиз истаган кийим-кечакларни олиб туриш учун ҳеч қандай прокат пункти йўқ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АФҒОНИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

КОБУЛ. Афғонистон касаба союзларининг мамлакат тарихида биринчи съездига бу ерда афғон меҳнаткашлари қаҳ ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик воқеа, деб қаралмоқда. Ишчилар, хизматчилар ва қишлоқ хўжалик ишчиларидан неча ўн минглаб киши ўз вардор меҳнатини меҳнаткашларнинг бўлажак анжуманига бағишламоқда. Касаба союз аъзоларидан 100 мингдан зиёд киши ихтиёрий меҳнат ҳаракатида қатнашди. Бунинг натижасида давлат фондига анчагина маблағ тушди.

* * *

Жун — Афғонистон анъанавий экспортининг муҳим турларидан биридир. Афғонистонда савдо министрлиги ҳузуридаги давлат корхонаси жунни аҳолидан сотиб олиш, тозалаш ва экспорт қилиш билан шуғулланади. Бу корхона Ҳирот, Қандаҳар ва Балҳда ўз филиалларига эга. Бу филиаллар афғон календари бўйича 20 мартда тугайдиган шу йилда афғон қўйчивонларидан 1534 тонна жун харид қилдилар.

* * *

Афғонистонда катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатишга катта аҳамият берилмоқда. Кобул нон комбинати ишчиларидан бир группаси бу ерда ташкил қилинган курсда таълим олишни яқинда тугаллади. Улар бир неча ой ичида ўқиш ва ёзишни ўрганиб олдилар. Ҳозирги вақтда мамлакатда жами 22 мингдан зиёд курс ишлаб турибди. Бу курсларда ишчилар, деҳқонлар ва хизматчилардан салкам 520 минг киши ўқиш ва ёзишни ўрганмоқда.

* * *

Ҳирот шаҳридан 170 километр шарқда жойлашган Чест аҳоли пункти районидаги Герируд дарёсида 40 минг киловатт қувватли янги гидроэлектростанция ва йирик сув омбори қурила бошланди. Бу иншоотлар қурилиб битказилганидан кейин, деб ёзади «Кабул нью таймс» газетаси, 70 минг гектардан кўпроқ қуруқчил ерлар суғорилади.

РЕКОРД ДАРАЖА

ОТТАВА. Канада пулининг қадрсизланиш суръатлари кейинги олти йил мобайнидаги рекорд даражага кўтарилди. Канада статистика бюроси берган маълумотларга қараганда, январь ойида мамлакатдаги нарх-наво йиллик ҳисобда ҳукумат томонидан бюджетда кўзда тутилган 10,2 процент ўрнига 12 процент ошди.

Бирон-бир турдаги мол нархи ёки хизмат ҳақи қимматлашганлиги тўғрисидаги хабарлар деярли ҳар куни келиб турибди. Куни кеча Канада пойтахтида автобус ҳақи 70 процентгача кўпайтирилганлиги расмий равишда эълон қилинган эди. Матбуотнинг бугунги хабарига қараганда, «Белл телефон—компани оф кэнада» маҳкамаси телефондан фойдаланиш ҳақини оширишга ижозат сўраб Канада радио-телевидение ва телекоммуникация комиссиясига мурожаат қилди. Ўтган йилнинг август ойида телефондан фойдаланиш ҳақи 13 процент оширилган бўлса, энди уни яна 30 процент кўтариш мўлжалланмоқда.

Коммунал хизматларгина қимматлашиб қолаётгани йўқ—озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа энг зарур молларнинг нархи ҳам доимо ошмоқда. Шу муносабат билан федерал парламентдаги ўринларнинг сони жиҳатидан учинчи ҳисобланмиш янги демократик партиянинг раҳбари Э. Бродбент ҳукуматни «экономикада фавқулодда аҳвол» эълон қилишга ва нарх-наво устидан контроль ўрнатишга чақирди.

ГФР. Кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш тарафдорлари Боннда урушга қарши манифестация пайтида ўзларининг тинчликка интилишларини ёрқин намойиш қилдилар. Улар қуролланиш пойгасига барҳам бериш, мамлакатни милитаризациялашни тўхтатишни талаб қилдилар.

СУРАТДА: намойишнинг ёш қатнашчиларини кўриб турибсиз.

А. Григорьев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ШОЛИ УЧУН КУРАШ

ФРИТАУН. Бугунги кунда Порт-Локо-Сьерра Леонедаги интенсив ўзлаштириш районида ишлаб чиқарилган шоли етказиб бериш ҳақидаги даъватига лаббай деб жавоб берган ёш меҳнаткашларнинг дастлабки отряди шу ерга келди. Улар ихтиёрий равишда меҳнат бригадаларига бирлашиб, республикада асосий озиқ-овқат экини бўлмамлакатга кўпроқ шоли етказиб бериш ҳақидаги даъватига лаббай деб жавоб берган ёш меҳнаткашлар уюшмасининг дастлабки отряди шу ерга келди. Улар ихтиёрий равишда меҳнат бригадаларига бирлашиб, республикада асосий озиқ-овқат экини бўлган шоли экиш учун янги участкаларни ўзлаштира бошладилар. Айни вақтда бу ерда янги уй-жойлар қурилмоқда, йўллар ремонт қилинмоқда, мактаблар ва медицина пунктлари барпо этилмоқда.

Ўз сувини тепалик жойлардан секин оқизаётган Каба дарёси қуйисида дастлабки шоликорлик кооперативлари тузилмоқда.

ТОШКЕНТ-81 XI халқаро турнир

НАВБАТ—ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИГА

Бугун Тошкент шаҳри ва пойтахт областидаги энг яхши стадионларда футбол бўйича XI Халқаро ўсмирлар турнирининг финал учрашувлари бўлади. Биринчи ўрин учун ўтказиладиган учрашувда Ўзбекистон ва СССРнинг биринчи командалари майдонга чиқади.

Газетамизда аввал хабар қилганимиздек, республикамиз ўсмирлар терма командасининг вакиллари биринчи бўлиб финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишган эди. Улар дастлабки босқич мусобақаларини ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказиб, бошқа командаларни анча ортда қолдириб кетишди. Республикамиз ёш футболчиларининг қайси команда билан учрашиши СССРнинг биринчи ва Финландия терма командалари ўртасидаги учрашув натижасига боғлиқ эди.

СССРнинг биринчи терма командаси футболчилари ҳам турнирни ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказишди. Улар тўрт учрашув ўтказиб, барча учрашувларда ғалабага эришдилар. Шу ўринда футболчиларимизнинг мерганликларини ҳам қувонч билан эслаш мумкин. Улар рақибларининг дарвозасига ўн марта тўп киритишди. Мамлакатимиз биринчи терма командасининг ёш спортчиларини финландиялик тенгдошлари билан бўлган учрашувда дуранг натижа ҳам қаноатлантирар эди. Бу ҳолда ҳам улар биринчи ўринни эгаллаган бўлишарди.

Аммо ёш футболчилар бу сафар ҳам ўзларининг ҳужумкорлик анъаналарига содиқ қолишди. Улар дарвозани нишонга олиш мақсадида узоқ вақт мобайнида ҳужум уюштирдилар. Дастлабки дақиқаларда финландиялик спортчилар усталик билан ҳимояланишди. Улар хавфли вазиятларни бартараф этиб турдилар. Айни пайтда қутилмаганда ва тезкорлик билан ҳужум уюштиришга аҳамият беришди. Чунки учрашувда ғалабага эришилган тақдирда финландиялик спортчилар биринчи ўринга чиқиш имконига эга эдилар. Шунинг учун ҳам улар тез ҳаракат қилиб, ўйин тақдирини ўз фойдаларига ҳал қилишга уриндилар.

Бироқ, учрашувнинг 31 минутида СССРнинг биринчи терма командаси ҳужумчиси А. Землянов навбатдаги ҳужумни самарали якунлади. Бу ёш футболчининг XI халқаро ўсмирлар турнирида дарвозага киритилган олтинчи тўпи эди. Умуман биринчи терма команданинг футболчилари рақибларининг дарвозасини ўн марта нишонга олишди.

Ана шундан кейин майдондаги аҳвол ўзгарди. Финландиялик футболчилар ҳужумга зўр бера бошладилар. Қийин дақиқаларда биринчи терма команданинг дарвозабони Руденко катта маҳорат кўрсатди. У бир неча марта хавфли вазиятларни моҳирлик билан бартараф этди. Учрашув охнрига қадар ҳисоб ўзгармади. 1:0 ҳисобида ғалабага эришган мамлакатимиз биринчи терма командасининг вакиллари саккиз очко тўплаб, ўз группаларида биринчи ўринни эгаллаганлар ва биринчи ўрин учун ўтказиладиган финал учрашувида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Бугун «Пахтакор» Марказий стадионида СССРнинг биринчи ва Ўзбекистон терма командалари ўртасида ҳал қилувчи учрашув бўлади. Шуни айтиш керакки, республикамизнинг ёш футболчилари 1974 йилда ҳам биринчи ўрин учун шу команда билан беллашган эди. Ўшанда учрашувни бой берган ҳамюртларимиз иккинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлишганди.

Турнирнинг сўнгги кунида ўтказилган бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: Польша— Афғонистон— 5:1, СССР—2— ГДР—2:0. Чехословакия— Венгрия — 1:3.

Шундай қилиб, бугун «Пахтакор» марказий стадионида футбол бўйича XI Халқаро турнирнинг ҳал қилувчи учрашуви бўлади. Тошкент вақти билан соат 15 да СССРнинг биринчи ва Ўзбекистон терма командалари майдонга чиқишади. Ҳар икки команда ҳам ғалаба учун курашиши аниқ. Қайси команда ғолиб чиқишини учрашув натижаси белгилаб беради.

Учрашув якунланганидан кейин халқаро турнир ғолиблари ва совриндорларига мукофотларни топшириш маросими бўлади.

Бугун эрталаб эса қолган ўринлар учун учрашувлар ўтказилди. Учинчи ўрин учун бўлган учрашувда Венгрия ва Польша командалари иштирок этишди. СССРнинг иккинчи ва Финландия командалари ўртасидаги учрашувда бешинчи ва олтинчи ўрин тақдири ҳал бўлди. Чехословакия ва Украина командалари эса еттинчи ўринни олиш учун беллашдилар. Афғонистон ва ГДР терма командалари ўртасидаги учрашувда тўққизинчи ва ўнинчи ўринларни эгаллаган команда аниқланди.

* * *

СУРАТЛАРДА: СССРнинг биринчи терма командаси футболчилари ҳужум уюштиришмоқда; футбол бўйича мамлакатимиз биринчи ўсмирлар командасининг тренери Н. Киселев ҳужумчи В. Брошинга майдонга тушиш олдидан маслаҳат бермоқда.

Р. Загратдинов фотолари.

✦ ЭЛГА ХИЗМАТ —ОЛИЙ ҲИММАТ

КАСБГА САДОҚАТ

Мен бу одамни биринчи марта Тошкент вокзалида учратган эдим. Ушанда биз оиламиз билан сафардан қайтардик. Навбат билан таксига ўтирдик. Ўрта ёшли, тўладан келган қувноқ шофёр манзилга етиб келгунимизча бизни кулдираверди, ичакларимизни узди. Шофернинг хизматидан мамнун бўлиб, унга счётчикда кўрсатилганидан бир сўм ортиқ пул узатиб, миннатдорчилик билдирдик.

— Қайтимини олинг, — деди у чимирилиб.

— Йўқ, йўқ. Биз розимиз... Ахир сизда ҳам бола-чақа дегандек.

— Кечирасиз, касбим шофер бўлгани билан бола-чақамни бировлар ҳақига боқмайман.

Пешанамдан муздек тер чиқиб кетди. Шофер хайр-маъзурни насия қилиб, жаҳл билан эшикни ёпдида, жўнаб кетди. Шундай одамни ноўрин ранжитганимдан афсусландим.

Орадан йиллар ўтди. Яқинда илғор шоферлар ҳақида бирон нарса ёзиш ниятида шаҳримиздаги 1-автокомбинатга кириб қолдим. Бу ерда ким билан учрашмай, ҳамма Носир Муҳамедовнинг номини тилга оларди. «Йигирма беш йилдан бери шу ерда ишлайди. Бир нечта медаль ва Фахрий ёрлиқлари бор. Шу киши ҳақида ёзсангиз яхши бўларди», дейишди корхона раҳбарлари. Афсуски ўша кунн Носир акани учрата олмадим. У хизмат билан чиқиб кетган экан.

Носир ака билан эртасига кўришдик. Рўпарамда бир вақтлар мен ранжитган шофер турар эди. Ҳайрият, у мени танимади. Мана, унинг қисқача таржимаи ҳоли. 1931 йилда туғилган, меҳнат фаолиятини артелдан бошлаган. 1957 йилдан бери шу автокомбинатда ишлайди. Саккиз боланинг отаси. Хизмат кўрсатиш аълочиси. Бир неча Фахрий ёрлиқ ва медаллар билан тақдирланган.

Суҳбатимиз оила мавзуи устида борарди. Носир ака ёнидан бир мактуб чиқариб, қўлимизга тутди. Хат унинг ўғли Садриддин хизмат қилаётган бўлинма командиридан эди. Унда қуйидаги сўзлар битилганди: «Ҳурматли Носир ва Мусаллам Муҳамедовлар! Сизга шуни маълум қиламанки, ўғлингиз Садир соғ-саломат. У Ватан олдидаги хизматини аъло даражада ўтаётир. Шундай фарзандингиз билан Сиз ҳар қанча фахрланишга ҳақлисиз. Яқинда унга муҳим жанговар топшириқни ўз вақтида бажариб, дўстлари ишончини оқлагани учун уйга бориб-келиш шарти билан ўн кунлик отпуска берилди.

Салом билан бўлинма командири».

Носир аканинг катта ўғиллари Нодир ва Нозимлар оилали. Улар ота касбини танлашган. Зайниддин, Зиёвуддин, Фазлиддин, Саида ва Севаралар ўрта мактабда ўқишади.

— Носир ака билан ишлаш мароқли, — дейди унинг ҳамкасб сменачиси У. Умаров, — аввало у киши тажрибали шофер. Машинанинг овозидан қаерда нуқсони борлигини билади. Агар машинада бирор камчилик сезса, уни созламагунча, гараждан чиқмайди. Ҳа, шунинг учун ҳам биз бошқараётган машина белгиланган муддатидан ошиб кетганига қарамай, ҳамон капитал ремонтсиз юряпти.

Автокомбинатда Носир аканинг шогирдлари кўплаб топилади. Уларнинг ҳаммаси ўз устозидан миннатдор.

— Н. Муҳамедов талабчан шоферларимизданбири, — дейди автокомбинат директори Ғайрат Исмоилов. — Очиғини айтганда автокомбинатимизга пассажирлар билан қўпол муомала қилувчи, давлат машинасидан ўз шахсияти йўлида фойдаланувчи баъзи шоферлар устидан шикоят хатлари келиб туради. Шу қатори ўз вазифасига сидқиндилдан ёндошадиган, бировлар ҳақига хиёнат қилмайдиган шоферларимиз ҳақида ҳам тез-тез миннатдорчилик мактубларини олиб турамиз. Носир ака тўғрисида ёзиладиган мактублар ҳамиша йўловчилар раҳматидан иборат бўлади.

Хуллас, автокомбинатда ким билан учрашмайлик, ким билан суҳбатлашмайлик, ҳамма Носир аканинг номини ҳурмат билан тилга олди. Биз ҳам ўз навбатида бу камтарин шоферга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Йўлингиз ҳамиша бехатар бўлсин, Носир ака, дейміз.

М. КОМИЛЖОНОВ.

АЛИШЕР НАВОИЙГА БАҒИШЛАНАДИ

«Мир Алишер». 1928 йил. Ленинград. — Бу совет олимларининг буюк ўзбек шоири ижодини ўрганишга бағишланган биринчи монументал асаридир. Худди шу йили Ленинград ва Москва шарқшунослари Алишер Навоий туғилган кунинг 500 йиллигига тайёргарлик кўра бошлаган эдилар. Улар юбилей Улуғ Ватан уруши алангасида азоб чеккан, қамалда қолган ва очлик ҳўкм сурган Ленинграда нишонланишини ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар.

Ленинград қамалидан омон қолган, йиллар гирдобида авайлаб асралган бу ноёб китоб Навоий номли Ўзбекистон давлат кутубхонасида очилган виставкага қўйилди. Виставка стендларида мамлакатимиз ва жаҳон халқларининг ўнлаб тилларида нашр этилган 400дан ортиқ китоб ва журнал намойиш этилмоқда. Улар орасида 1785 йилда Венада босилиб чиққан «Форс подшоларининг тарихи» китоби бор. Бу асар Навоий ижодининг энг қадимий нашрларидан биридир. У билан ёнма-ён немис тилида нашр этилган «Фарҳод ва Ширин» китоби қўйилган. Достонни антифашист адиб Альфред Курелла таржима қилган. «Навоий афоризмлари» китобчаси Варшавада, «Фарҳод ва Ширин» достони Будапештда нашр этилган. Бу ерда Алишер Навоийнинг ижодига бағишланган илмий асарлар қўйилган бўлиб, уларнинг муаллифлари Франция, Англия, Румния, Чехословакия, Испания, Италия адабиётшуносларидир.

Навоийнинг Ўзбекистонда нашр этилган асарлари, шунингдек улуғ шоир образини яратган республика адибларининг асарлари ҳам кенг намойиш этилган.

(ЎЗТАГ).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

СИЗ СОВҒА ТАНЛАШ ИШТИЁҚИДАМИСИЗ?

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИГА ТАШРИФ БУЮРИНГ, УНИНГ БЎЛИМЛАРИНИ АЙЛАНИБ, САВДОГА ҚЎЙИЛГАН ТОВАРЛАРНИ ЯХШИЛАБ КЎЗДАН КЕЧИРИНГ.

Аёллар чиройли ясангилари келади. Уларга янги кўйлак ажойиб совға бўлади.

Аёлларга йирик гул солинган бир кийимлик крепдешин тортиқ этсангиз жуда манзур бўлади.

Ёш жувонларга нимчалик модали костюм ва юбка ярашади. Улар тўғри бичилган ва бурма солинган гулдор синтетик матодан Польшада тайёрланган.

Сиз шунингдек енгилгина блузкалар харид қилишингиз мумкин. Улар кокетли қилиб тўғри бичилган ёки қисқа енг ва ингичка белбоғли қилиб Югославияда ишлаб чиқарилган.

Ёш қизларга калта енгли, белида энли белбоғи бўлган жемперлар жуда ярашиқлидир.

Йирик тўқилган иссиқ жакет («Малика» трикотаж бирлашмасида тайёрланган) —катта ёшдаги аёлларга яхши совға бўлади.

Тақинчоқлар аёллар кийимини янада чиройли кўрсатади. Шунинг учун сувенир бўлимидаги ёғочдан ишлаб полировка қилинган тақинчоқларга эътиборингизни жалб қиламиз.

Аёллар учун сочни турмаклаш жуда муҳим иш. Агар Сиз уларга электр термобигуди совға қилсангиз, сочларини тез ва чиройли турмаклайдилар.

Пардозга ишлатиладиган упадон, лаб бўёқ, тушлар керак. Улар учун «косметичка» ҳамёни махсус тайёрланган.

Аёллар яшил ёки оқ шойиқа гул солиб тикилган сўзаналарни ёки совға оригинал сочиқларни ёқтирадилар. Булар уй жиҳозларига янада кўрк беради.

Совға учун шунингдек, ҳамён, ироқи дўппи, «яшил тош набор» деб номланувчи авторучкалар, дуррачаларни совғага харид қилиш мумкин.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

ҚУЛАЙЛИК ВА БЕЖИРИМЛИК

БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИГА БЎЛГАН АСОСИЙ ТАЛАБДИР. ЕРҚИН ГАЗМОЛЛАРДАН ТИКИЛГАН КЕНГ КИЙИМЛАР УЛАРНИ ЯНАДА ЧИРОЙЛИ ҚИЛИБ ЮБОРАДИ. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИ МОДАЛАРНИНГ ЯРАШИҚЛИЛИГИ БИЛАН КАТТАЛАР КИЙИМИГА МОСЛАНИБ БОРМОҚДА. МАСАЛАН, ОММАЛАШИБ БОРАЁТГАН КАТТАЛАРНИНГ КИЙИМЛАРИ БОЛАЛАР КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИДА ҲАМ КЎПГИНА ХИЛМА-ХИЛЛИК ЯРАТМОҚДА. ЭНДИЛИКДА БОЛАЛАРНИНГ КИЙИМ ЖОВОНЛАРИДАН КЎПГИНА АЛОҲИДА КИЙИМЛАРНИ—НИМЧАЛАР, САРАФАНЛАР, ЮБКАЛАР, ШИМЛАР, КЎЙЛАКЛАР, БЛУЗКАЛАР, ТЎР КЎЙЛАКЛАР, ПОЛУВЕРЛАРНИ ТОПИШ МУМКИНКИ, БУ КИЙИМЛАР КАТТАЛАРГА ҲАМ ХОСДИР.

Болалар кийим-кечакларини тикишда ҳошия, кашта, қайтарма ёқа қилиб, белбоғли, боғичли қилиб гул солишнинг қўлланиши ҳам катталар кийимларига хос бўлиб, оналарга ҳамда болаларга ярашиқли.

Уларнинг ранглари ҳам хилма-хилдир: нафис кулранг — пушти рангдан, зангори-ҳаворанг, яшил рангдан тортиб, очиқ ва ёрқин ранггача.

Масалан, Швецияда аллақачонлардан буён болаларга фақат оқ кийинтиришади: улар оқ кийим болаларни озодагарчиликка ўргатади, деб ҳисоблашади. Оқ кийимга бошқа ранглар ярашиқлидир.

Оқ рангга доимо зангори ва қизил ярашиқли мода бўлади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СИЗЛАРНИ «ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ: **Сиз бу ерда ҳар хил болалар кийим-кечакларини харид қилишингиз мумкин!**

«МАКТАБ ФОРМАЛАРИ» **секциясидан сиз қизлар учун жигарранг мактаб формасини танлашингиз мумкин.** Размери 30—32; ҳаворанг. Размери 42—44; оқ фартуклар. Размери 32—34.

«ҚИЗЛАР УЧУН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР» **секциясида ипакли ва жун матолардан ҳар хил моделда ва фасонда тикилган кўйлакларни кўплаб сотувга қўйилган.** Размери—24—42 гача.

Мавсумий пальтолар. Размери —24—30.

Костюмлар— юбкали матроскалар. Размери 28—30.

«БОЛАЛАР УЧУН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР» **секциясида сизга қуйидагилари таклиф этишади:**

майда катакли ва сидирға рангли лавсан аралаш жун матодан тикилган костюм. Размери 28— 40.

Турли модель ва рангдаги болонья матосидан тикилган калта камзуллар. Размери 30—38.

2—4 ёшдаги болалар учун яримжун аралаш матодан тиқилган шортли костюмлар.

«БОШ КИЙИМЛАР» **секциясидан: болаларнинг боғичли қулоқчинлари, сунъий мўйнадан тайёрланган, болалар беретка-ли, ип-газламадан тикилган ёзги панамкалар, матроска-шапкалар.**

«ПОЙАФЗАЛ» **секциясида ҳамма ёшдаги болалар учун хилма-хил пойафзаллар қўйилган: булар ясли ёшидан то мактаб ёшигача бўлган болаларга аталган.**

Кўплаб тагчармли туфлилар, ботинкалар, чиройли этикчалар, уйда кийиладиган шиппак ва спорт пойафзаллари бор.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Шахсий уйларда яшовчи гражданлар уйларида электр энергияси йўқ бўлиб қолганда электр таъминотини тиклаш учун ҳар куни соат 8.00 дан 22.00 гача 39-99-11 телефони бўйича

ЗАЯВКА БЕРИШЛАРИ МУМКИН

Маҳаллий советлар, идоралар ва турар жой эксплуатацияси конторалларининг уйларида яшовчи гражданлар эса турар жойлари бўйича фақат ЖЭКларга заявка беришлари лозим.

«ТАШГОРЭЛЕКТРОСЕТЬ».

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/III да **Истеҳком**, 12/III да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/III да **Гулсара** (билетлар сотилган), 12/III да **Тўйдан олдин томоша.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/III да **Кўзингни каттароқ оч** (19.00), 12/III да **Мунофот** (19.00, билетлар сотилган).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «Ургатилган айиқлар» аттракциони иштирокида янги программа (19.30).

КИНО

11 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«САЛОМАТЛИК БАСТИОНИ» — **Қозоғистон.**

«ФИТИЛЬ» № 221—**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ИЛЛАР ВА ТАҚДИРЛАР» — **Дружба.**

«ЙИЛ БОШИДА»— **Чайка.**

«БИТИШУВ»— **Москва.**

«ГАЛИНА НИКОЛАЕВНА» — **Восток.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БОШЛИҚ БЎЛГАНИМДА ЭДИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ЖАСУР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ» —**Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (18.30, 21.00, телефон 53-65-87), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ҲИСОБ НУҚТАСИ» —**К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда; телефон 24-22-66), **Искра** (18, 19.45, телефон 39-14-59).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60).

«ОҚШОМ ЛАБИРИНТИ» —**Дружба** (жуфт соатларда).

«ГРАЖДАНИН ЛЕШКА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

12 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«САЛОМАТЛИК БАСТИОНИ» — **Қозоғистон.**

«ФИТИЛЬ» —№ 221— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«БИТИШУВ» — **Москва.**

«ИЛЛАР ВА ТАҚДИРЛАР» — **Дружба.**

«ЙИЛ БОШИДА» — **Чайка.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАСУР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ»— **Тинчлик** (12.00, 13.30, 18.30, 19.00, телефон 53-86-07), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ҲИСОБ НУҚТАСИ» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-15-59).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60).

«ОҚШОМ ЛАБИРИНТИ»— **Дружба** (жуфт соатларда).

«ГРАЖДАНИН ЛЕШКА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ЎТА МУҲИМ ТОПШИРИҚ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17.30, телефон 48-42-80).

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

бош бухгалтер ўринбосари, ОКСга катта инженер ва инженер-электрик, молия бўлими бухгалтери, катта бухгалтер-ревизор, ишлаб чиқариш-техника бўлимининг катта инженери, катта инструктор, уқиб оерувчи секретарлар, секретарь-машинистка, автопогрузчик ҳайдовчиси, товаршунос, омбор ишчиси, хўжалик мудири, юкчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона— аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

Тошкент область, Тошкент район Гулистон қишлоқ советидаги Ғафур Ғулом номли 33-ўрта мактаб томонидан **Кодиров Ҳусан Комилович** номига берилган 880354 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ПОЙАФЗАЛИНГИЗНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ КЕРАКМИ?

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида жойлашган (Марказ—14 кварталы, 15-уй) **Маиши хизмат кўрсатиш уйи қошида очилган**

ЯНГИ; МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН УСТАХОНАДА

ПОЙАФЗАЛИНГИЗНИ РЕМОНТ ҚИЛДИРИШИНГИЗ МУМКИН

РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРИШ МУДДАТИ УНИНГ МУРАККАБ ЕКИ МУРАККАБМАСЛИГИГА БОҒЛИҚ. РЕМОНТ СИФАТИГА ГАРАНТИЯЛАНАДИ.

«ИЛҒОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

11 МАРТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

18.00 Концерт. 18.30 «Горчилар, қаердасиз». 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Советлар ва ҳаёт». Кўрсатувда КПСС XXVI съезднинг делегатлари— Белгород область ижроия комитетининг раиси А. Ф. Пономарев ва қишлоқ Советининг раиси А. М. Симашова иштирок этадилар. 19.55 М. Светлов шеърларига ёзилган қўшиқларни Т. Калинченко ижро этади. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.05 «Ҳалқа йўл ёқасидаги уй». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Музыкальная жизнь» телевизион журнали. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 «Ёш рассомлар». Илмий-оммабоп фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Халқаро панорама». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 А. Бородин. 2-квартет, 22.10 «Илга—Иволга». Телевизион бадиий фильм. 23.15 Чанги спорти бўйича жаҳон кубоги. Аёллар. 5 км. Эркаклар. 15 км. Норвегиядан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бузоқча». Қўғирчоқ фильм. 18.40 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 19.10 «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!». «Экиш агрегатлари мавсумга шай бўлсин». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Футбол бўйича XI Халқаро ўсмирлар турнири. Финал. 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ёш ижрочилар концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Реконструкция суръати ошмоқда». Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Правда Востока» газета редакцияси ва Узбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди (рус.). 22.30 Ўзбекистонда Совет адабиёти кунлари олдидан. Л. Зорин. «Варшава таронаси». Телеспектакль премьераси. 2-қисм. 23.45 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Болалар денгиз ҳақида орзу қиладилар». 19.10 Реклама. 19.30 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика 21.20 «Кубачинча тўй». Телефильм (рус.).

12 МАРТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш». Кўрсатувда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати, академик В. М. Глушков иштирок этади. Кўрсатувни ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради. 19.00 «Кўшиқлар— баҳорга». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Шимол рус қўшиқларини Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг рус қўшиқлари академик хори ижро этади. Бадиий раҳбар — РСФСР халқ артисти Н. Кутузов. 19.55 «Халқа йўл ёқасидаги уй». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Спартак». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.05 «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Мюнхаузен саргузашти». Мультфильм. 18.30 «Тинчлик — халқлар орзуси». СССР Олий Совети томонидан тинчликни химоя қилиш ҳақидаги Қонун қабул қилинганлигининг 30 йиллигига. 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга! «Изланиш муваффақият келтиради». Қувасой тажрибаси. 20.10 «Бир минутда етти сигнал». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг камер оркестри ижро этади. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Турмуш ва маданият». 22.30 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар план комиссиясининг раиси Ш. Р. Мирсаидова отаси

Раҳмат

МИРСАИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар план комиссияси ва Тошкент шаҳар ижроия комитети Бош ҳисоблаш маркази коллективлари Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар план комиссиясининг раиси Ш. Р. Мирсаидова отаси

Раҳмат

МИРСАИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

11 МАРТ, 1981 й. Р—01852. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмохонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В—2073. 9